
Фидойи теримчилар рағбатлантирилмоқда

Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев фермер хўжаликларида олиб борилаётган ишлар ва пахта йиғим-терим мавсумида теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар, бошоқли дон экинларининг экиш жараёнлари билан яқиндан танишмоқда.

Ҳар бир ҳудудда фермер хўжаликлари раҳбарлари ва соҳа мутахассислари билан қишлоқ хўжалиги экинлари экишда олиб бориладиган агротехника ишлари ҳамда ҳосилни белгиланган миқдорда олиш учун минерал ўғитларнинг ишлатилиши борасида фикр алмашилмоқда. А.Джурабаев туманда қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш учун фермер хўжаликлари раҳбарлари ва соҳа мутахассисларига ўз тавсияларини бермоқда.

Шунингдек, туман ҳокими пахта ҳирмонини ошишига сидқидилдан хизмат қилаётган фермер хўжаликларининг фидойи теримчилари билан учрашмоқда. Кўп килограммчилар ва "Темир дафтар"да турган оила вакиллари билан ибрат бўлган ҳашарчилар гуруҳи аъзоларига эсдалик совғалари топширилмоқда.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-09-13 15:36:49